

Бу харфлар сўз бошида, айриш ва юмшатиш белгиларидан кейин хамда унлидан сўнг келганда икки товуш (йэ, йо, йу, йа) ни билдиради.

Е харфи:

- А) енг, елпигич, елдирмок, подъезд, етди каби сўзларда бўгин бошида ёки айриш белгисидан сўнг, емиш, едирмок, етук каби сўзларда айриш белгисидан сўнг, емиш, едирмок, етук каби сўзларда айрим бўгинни ташкил этганда, самодержавие, телевидение каби сўзларнинг охирида ёзилади;
Б) икки ундош орасида ёки очик бўгин э тарзида талаффуз килинадиган товуш ўрнида ёзилади: мен, сен, тез, хеч, кеча, девор, декабрь, депутат, перо, печак каби.

Ё харфи:

- А) сўз ва бўгин бошида келганда ёхуд ўзи айрим бўгинни ташкил этганда йо (й-о) ўрнида ёзилади: ёд, ёз, ёстик, диёр, сиёх, саёхат, зиёфат, биёбон каби.
Б) баъзи русча – байналминал сўзларда юмшокрок талаффуз этиладиган ундошдан сўнг келадиган о ўрнида ёзилади: зачёт (зачъот), режиссёр (режиссъор), самолёт (самолъот), пулемёт (пулемъот) каби.

Ю харфи:

- А) сўз ёки бўгин бошида келган ёхуд ўзи айрим бўгинни ташкил килган йу (й-у) ўрнида ёзилади: юпка, юрт, юксак, буюк, туюк, туюлмок, юган, юзаки, юмор, юмуш, муюлиш каби;
Б) баъзи русча – байналмилал сўзларда юмшокрок талаффуз этиладиган ундошдан сўнг келганда у ўрнида ёзилади: парашют (парашъут), бюджет (бъуджет) каби.

Я харфи:

- А) сўз ёки бўгин бошида келган ёхуд ўзи айрим бўгинни ташкил этганда йа (й-а) ўрнида ёзилади: яилов, якка, якшанба, суяқ, ноябрь, мия, кия, яна каби;
Б) баъзи русча - байналмилал сўзларда юмшокрок талаффуз этиладиган ундошдан кейин келадиган а ўрнида ёзилади: сентябрь (сентъабрь), октябрь (октъабрь), отряд (отръяд) каби.

Йотированные звуки: е, ё, ю, я. Йотированные звуки – это собственно звукосочетания типа:

1. й-а-я: яхши (хороший), якшанба (воскресенье), ярим (половина), яшил (зелёный);
2. й-у-ю: юз (лицо), буюк (вўдающийся), буюк (великий), ютук (успех), юзаки (поверхностно);
3. й-о-ё: ёш (молодой), ёз (лето), ёстик (подушка), ёки (или), саёхат (путешествие);
4. й-э-е: ер (земля), етим (сирота), етти (семь), емиш (еда).

Следует отметить, что в русской орфографии функции букв е, ё, ю, я не ограничиваются только передачей йотированных а, о, у, э. В отличии от соответствующих узбекских букв они служат также и для обозначения смягчения предшествующего им согласного звука. Например: лейтенант (льэйтъэнант), лён (льон), люди (льуди), тюльпан (тьульпан), тягость (тьагость).

2-машк. Сўзларни ўкинг, е, ё, ю, я харфларнинг хар бири нечта товушни

ифодалаётганини аникланг.

Ёз, юз, яна, дарё, монтёр, булок, бюро, съёмка, князь, сялка, отряд, пьеса, июнь, сюжет, юрист, ядро, пенсия, правление, эхтиёт, буормок, костюм.

3-§. СИЗНИНГ ТАРЖИМАИ ХОЛИНГИЗ

Мен, Муродов Азиз, 1965 йил 18 октябрда Бухоро вилояти Пешку тумани, Афшона кишлогида тугилдим. Отам жамоа хўжалиги фермасида зоотехник бўлиб ишлайди. Онам 233-хунар-техника билим ютида ўқитувчи. Акам жамоа хўжалигида механизатор. Опам Бухоро тўкимачилик комбинатининг Янгибозор филиалида ип йигириувчи бўлиб ишлайди. Укам Бухоро шахрида 41-билим юртининг автослесарлик бўлимида ўқимокда. Мен 1972 йилда Эрнест Тельман номли ўрта мактабга ўкишга кирдим. 1982 йили ўкишни тугатиб, туман йўл курилиши участкасида ишладим. 1984 йили харбий хизматдан кайтгач, Бухоро йўл курилиши ўрта маҳсус билим ютига ўкишга кирдим. Хозир ўз меҳнат фаолиятим бошланган туман йўл курилиши бўлимида уста бўлиб ишляпман.

ЛУГАТ

тугилдим	– родился
Тошкент шахрида тугилди	– родился в городе Ташкенте
ўқитувчи	- учитель (ница)
ўкишга кирдим	– поступил учиться
тўкимачилик комбинати	– текстильный комбинат
ишламок	– работать
уста бўлиб ишляпман	– работаю мастером

Топширик:

1. Матнга саволлар тузинг ва уларга ўзингиз жавоб кайтаринг.
2. ў, к, г, х харфларнинг тагига чизинг ва талафкузига эътибор беринг.